Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 12-iyun, payshanba № 72 (3421)

Фарзандларимиз — бизнинг келажагимиз. Халқимиз эртасининг қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Ислом КАРИМОВ

ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 4-«Меҳрибонлик» уйида 85 бола тарбияланмоқда.

Муассасада болаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратилган. Ҳар бир бола қобилияти ва қизиқишига кўра саккиз тўгаракка жалб қилинган. Очиқ ва ёпиқ спорт майдончалари, тренажер ва гимнастика зали, бой кутубхона уларнинг энг севимли масканига айланган.

Суратда: муассаса кутубхоначиси Хуршида Наримонова болалар билан.

ЎзА фотомухбири Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат

2014 йил – Соғлом бола йили

Хоразм вилоятидан 350 нафар ўғил-қиз Тошкент марказий темир йўл вокзалида тантанали кутиб олиниб, пойтахт вилоятининг Паркент ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги «Бойчечак» ҳамда «Меҳржон» оромгоҳларига дам олиш учун жўнаб кетди.

Болалар оромгоҳга йўл олди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлида кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор юксак самаралар бермоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида болаларни ёзги мавсумда дам олдириш ва соғломлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳажми ва кўлами тобора кенгаймоқда.

Жорий йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 минг нафар болани сўлим масканларда дам олдириш ва соғломлаштириш кўзда тутилган. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан анча юқори экани диққатга сазовордир.

Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашидан маълум қилишларича, ҳудуддаги мавжуд 20 болалар оромгоҳида 13 минг 450 нафар, халқ таълими тизимидаги ўқув масканларида ташкил этилган кундузги дам олиш масканларига 17 минг нафар ўқувчини қамраб олиш кўзда тутилган.

Мавсумга тайёргарлик кўриш жараёнида оромгоҳларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур анжом ва жиҳозлар, китоб ва босма нашрлар, тўгараклар учун ўқув воситалари, спорт товарлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Дам олиш жараёнида ёш авлодни ватанпарварлик, фидойилик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга доир маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларини ўтказишга оид махсус режа ишлаб чиқилди.

— Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда дам олишга биринчи марта йўл оляпман, — дейди Шовот туманидаги 26-мактаб ўқувчиси Барчиной Йўлдошева. — Тенгқурларим билан сўлим оромгоҳда ҳордиқ чиқариб, хорижий тиллар, расм ва мусиқа тўгаракларида қатнашишни мақсад қилганмиз.

Шу куни Халқ таълими вазирлигига қарашли «Меҳрибонлик» оромгоҳи ҳам пойтахтимиз ва юртимизнинг турли ҳудудларидаги «Меҳрибонлик» уйларида тарбияланаётган болаларни ўз бағрига олди. Бўстонлиқ туманининг Қизилсув қишлоғида жойлашган ушбу маскан мафтункор табиати, мусаффо ҳавоси, мевали боғлари, арчазорлари, шифобахш ўсимлигу шарқираган сойлари билан болаларнинг севимли гўшасига айланган. Вазирлик томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёзги таътил кўнгилдагидек ўтиши мақсадида бу ерда барча зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Хабарлар

Бухоро шаҳридаги собиқ «Бухоротекс» корхонасининг профилакторий биноси мукаммал таъмирланиб, ёшлар учун турар жойга айлантирилди.

ЁШЛАРГА ТУҲФА

Вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, прокуратураси ҳамда ҳомий ташкилотлар саъй-ҳаракати билан фойдаланишга топширилган бинода 64 та оила учун барча қулайликлар яратилган. 32-«Меҳрибонлик» уйининг собиқ тарбияланувчилари, мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшлар янги хонадонлар соҳиби бўлишди.

Бинонинг биринчи қаватида озиқ-овқат дўкони, новвойхона, кийимларни кимёвий тозалаш хизмати, интернет клуб ишга туширилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

ОИЛАВИЙ КОРХОНА

Давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор ишлаб чиқариш имкониятларимизни янада кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Қўштепалик тадбиркор Одина Мўминова яқинда «Қўштепа сарбон сервис» оилавий корхонасини ташкил этиб, аҳолига замонавий сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйди. Савдо ва хизмат кўрсатишга йўналтирилган корхонада тикувчилик цехи ташкил этилиб, ўндан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Бу ерда асосан касб-ҳунар коллежини битирган ёшлар меҳнат қилмоқда.

М.МАҲМУДОВ

Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ЭНГ ТАЛАБЧАН ХАРИДОРГА ҲАМ МАНЗУР БЎЛМОҚДА

«Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция иштирокчилари ЎзА мухбирлари билан суҳбатда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати ривожи, бунинг аҳоли фаровонлиги ва саломатлигини таъминлашдаги ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

TOSHKENT 05-06 IYUN 2014

Жоао БРЕДА, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Овқатланиш, жисмоний фаоллик ва семизлик бўйича дастури раҳбари:

— Президент Ислом Каримов ўз нутқида таъкидлаганидек, инсон саломатлиги, унинг узоқ ва баракали умр кўриши тўғри ва мутаносиб рацион асосида овқатланишни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ. Мева ва сабзавотлар унинг энг муҳим таркибий қисми бўлиши лозим.

Ўзбекистонда аҳолини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган эътиборга молик. Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда экологик тоза технологиялардан фойдаланилмоқда. Меваларингиз инсон саломатлиги учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва турли фойдали биологик моддаларга бой.

Бугун сайёрамиз аҳолисининг етти фоизи норационал овқатланиш тарзи туфайли семизлик дардига йўлиққан. Вазнининг ортиб кетиши оқибатида кўплаб инсонлар айни навқирон ёшида турли хасталикларга чалинмоқда. Буларнинг олдини олиш учун болаликдан тиббий маданиятни шакллантириш, тўғри ва рационал овқатланиш қоидаларини болалар онгига чуқур сингдириш лозим.

Ўзбекистонда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш, спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар алоҳида эътиборга сазовор. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишда амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий лойиҳалар кўлами янада кенгайиб бораётгани таҳсинга лойиқ.

Аттила КИШ, Озиқ-овқат маҳсулотлари илмий-тадқиқот институти директори (Венгрия):

— Дунё мутахассислари, етакчи олим ва экспертлар иштирок этган конференцияда Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари, босқичма-босқич амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида қўлга киритилган улкан ютуқлар билан танишиш ва бу борадаги мамлакатингизнинг бой тажрибасини ўрганиш имконига эга бўлдик.

Давлатингиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган «ўзбек модели» жуда самарали ва ҳаётийлиги билан халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзбекистоннинг ютуқларидан яна бири мамлакат аҳолиси интеллектуал салоҳиятининг жуда юқори эканидадир. Бу омил юртингизнинг халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонлик олимлар ва ишбилармонлар билан мунтазам равишда тажриба алмашиб туриш, қишлоқ хўжалиги ва агробизнес соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамиз.

Сетапонг ЛЕКАВАТАНА, Таиланд қишлоқ хўжалиги ва кооперация вазирлигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рағбатлантириш ва менежмент бюроси бош эксперти:

— Халқаро конференция жаҳон озиқ-овқат саноати ривожида муҳим воқеа бўлди. Анжуман доирасида мамлакатингиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, катта-кичик дўконлар, бозору супермаркетларда бўлиб, Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноати борасидаги юксак салоҳияти билан бевосита танишдик. Савдо расталаридаги хилма-хил маҳсулотларни кўриб, кўз қувонади. Уларнинг кўплигидан, хилма-хиллигидан қай бирини танлашни ҳам билмай қоласиз. Масалан, чанқовбосди ичимликлар — маъданли сувлар, шарбатлар, салқин чойларнинг ўнлаб тури бор. Уларнинг барчаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилгани диққатга сазовор. Бу маҳсулотлар энг нозиктаъб, талабчан харидорга ҳам манзур бўлади. Дунёнинг кўп жойларида озиқ-овқат тақчиллиги кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистондаги бундай фаровонликка чин дилдан ҳавас қилдик.

Конференциядаги ишчанлик руҳи, бизга кўрсатилган самимий муносабат, ширинсуханлик ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирамиз.

Жеф ВЕРКАММЕН, «Pcfruit» мева етиштириш тадқиқот маркази директори (Белгия):

— Мамлакатингиздаги фермер хўжаликларида жорий этилган томчилатиб суғориш технологияси сув сарфини бир неча баробар камайтириш, ҳосилдорликни ва ер унумдорлигини ошириш имконини бераётгани диққатга сазовор. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида Ўзбекистондан ўрнак олса арзигулик жиҳатлар кўп. Мен юртингизда орттирган тажрибамни Белгияда қўллаш истагидаман.

Мамлакатингизда нафақат мева-сабзавот экинларини етиштириш, балки балиқчилик саноати ҳам яхши ривожланганига гувоҳ бўлдик.

Ўзбекистон халқининг фаровон ва тўкис ҳаёт кечириши учун барча омиллар мавжуд эканига ишонч ҳосил қилдик. Бу тўкин бозорлар, турфа хил маҳсулотлардан кўз қамашадиган дўконлару савдо марказлари мисолида яққол кўзга ташланади.

ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

«Ғалла — 2014»

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, ғалла етиштиришнинг самарали тизими шаклланди. Замонавий агротехник усулларни амалиётга татбиқ этиш, деҳқон ва фермерлар учун кенг шарт-шароит яратиш, ғалланинг иқлим шароитимизга мос, эртапишар, серҳосил навларини экиш туфайли мамлакатимиз дон хирмони йилдан-йилга юксалиб бормоқда.

Фаровонлигимиз белгиси

Ғаллакорларимиз бу йил бир миллион уч юз гектардан зиёд майдонда серҳосил ва эртапишар ғалла навларини парваришлади. Айни пайтда омилкор деҳқонлар бутун диққат-эътиборини етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатда, нест-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишга қаратмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, ғалла ўрим-йиғими ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 1 минг 852 отряд ташкил этилиб, уларга турли соҳалар бўйича 19 мингдан ортиқ мутахассис бириктирилган. 19 минг 500 дан зиёд комбайн, ғалла ташувчи машина ва бошқа техника воситалари шай ҳолатга келтирилган. Шунингдек, 1 минг 300 дан зиёд кўчма устахона ва 1 минг 600 га яқин ёнилғи ташиш техникаси комбайнларнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлайди.

Саховатли заминимизда етиштирилган мўл ҳосил — фаровонлигимиз белгиси. Шу боис уни ўриб-йиғиб олишга катта масъулият билан ёндашиш, хавфсизлик чораларига қатъий риоя этиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

(Давоми 4-саҳифада).

Буюк неъмат

Бахтим, иқболим – тинчлик!

Аллоҳ томонидан инсониятга кўплаб неъматлар ҳадя этилган. Бизни ўраб олган борлиқ, табиат, инсонга берилган истеъдод ва қобилият... Мана шу улуғ неъматларни истифода этиш учун қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган тинчлик керак бўлади.

Атрофимизга бир назар ташлайлик: гўзал, мафтункор, файзли, обод. Юртимизда яратилган ва яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар, эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар шу халқ учун, унинг келажаги учундир. Айниқса, ёшларимиз учун имтиёзлар бисёр. Бунинг ҳаммаси мустақиллигимиз, тинч-осуда ҳаётимиз шарофати ила юзага келмоқда.

Осмони мусаффо, замини мунаввар юртда яшашнинг ўзи ҳар бир инсонда шукроналик ҳиссини уйғотади.

Нуронийларимиз ҳамиша фотиҳага қўл очар экан, аввало, Яратгандан тинчлик сўрашади. Негаки, тинчлик меҳр-оқибат ришталарини боғлайди, ҳар бир хонадонга файз, шукуҳ бахш этади.

Бу улуғ неъмат кимлар учундир орзу, кимларгадир армон.

Яқинда бир онахондан: «Тинчлик нима, тинчлик деганда тасаввурингизда нима пайдо бўлади?» дея сўрадим. Онахоннинг жавобидан юрагим сурурга тўлди: «Тинчлик деганда бир пиёла чойни хотиржам ичишни тушунаман, болам. Унинг нималигини биз биламиз. Оғир жудоликлар, тўс-тўполонлар, ғам-аламларни бошидан кечирган инсонгина бу бахтли кунлар қадрини чуқур тушуна олади. Юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз учун яратилган шароитлардан кўнглинг қувончга тўлади. Худо насиб қилиб, мана шундай дориламон кунларга етказганига шукур деймиз».

Бу гапларда олам-олам ҳикмат бор, албатта. Ҳа, биз ёшлар яратилган имкониятдан унумли фойдаланиб касб-ҳунарли бўлаяпмиз, илм олмоқдамиз. Гўзал масканларда умргузаронлик қилмоқдамиз, ўзлигимизни танитиш ва тенглар ичра тенг бўлиб юриш учун чет тилларни қунт билан ўрганмоқдамиз.

Шундай экан, тинчлик ва истиқлолни асраб-авайлаб, уни кўкларга кўтариб, қадр-қимматини оширишни муқаддас бурчимиз деб билайлик.

Назокат МАШАРИПОВА, журналист

Бор бўл, оқибат!

Мамлакатимизда таълим тизимининг ўзига хос миллий модели яратилиб, таълим-тарбия соҳасининг яхлит тизимини шакллантириш ва ривожлантириш ишлари узлуксиз давом эттирилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйларига кўрсатилаётган ғамхўрлик айниқса, эътирофга лойиқдир. Буни, 111 нафар бола тарбияланаётган 1-«Меҳрибонлик» уйимиз мисолида ҳам кўшиш мумкин.

Меҳри дарё халқмиз

Болажонларимизни юксак маънавиятли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашга бор эътиборни қаратганмиз. 14 та тўгарак фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан, компютер саводхонлиги, ёш китобхон, инглиз тили, тасвирий санъат, тикувчилик, рақс, гулчилик, пазандачилик каби тўгараклларга жалб этиш орқали ёшларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаяпмиз. Муассасамизда шаҳримиздаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабининг филиали фаолият кўрсатмоқда. Тарбияланувлардан 56 нафари танлаган йўналиши бўйича машғулотларга қатнашаётир.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан хорижий тилларни ўқитиш борасида самарадорликка эришилмоқда. Ташкил этилган инглиз тили тўгараги эса тарбияланувчиларимизнинг тил ўрганишга бўлган интилишига амалий кўмак вазифасини ўтаётир.

Фарзандларимизнинг жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб улғайиши учун барча шароит яратилган. Муассасамиз ёпиқ сузиш ҳавзаси, барча жиҳозлар билан таъминланган спорт зали ва майдончаларга эга. Спортнинг 11 тури бўйича секциялар мунтазам равишда ишлаб турибди. Ўтган йили март ойида Тошкент шаҳрида сувга сакраш бўйича ўтказилган мусобақада Нариман Абушаев билан Ойбек Копеев шоҳсупанинг биринчи поғонасидан жой эгаллашди. Масканимизда иқтидорли болалар кўп. Ўтган йил тасвирий санъат соҳасида ўтказилган «Камалак жилоси» республика кўрик-танловида Отабек Аллибеков 3-ўринга сазовор бўлди.

Байрам тадбирлари юқори савияда ташкил этилаётир. Жумладан, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан уюштирилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев, республика касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси С.Ниетуллаев ва туманимиз ҳокими Қ.Эшбоевлар иштирок этиб, тарбияланувчиларни байрам билан табриклади ва қимматбаҳо совғалар топширди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 12-iyun № 72 (3421)

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани пиллакорлари жорий йилда 3 минг 220 қути ипак қурти парваришлаб, шартномада кўзда тутилган 220 тоннали «кумуш тола» хирмонини бунёд этди.

ОМИЛКОРЛИК ТУФАЙЛИ

Туман «Пилла» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мансуржон Маҳкамовнинг айтишича, 321 фермер хўжалигининг 60 фоизга яқини ипак қурти парваришини плёнка усулида ташкил қилгани боис, ҳосилдорлик юқори бўлди. Тажрибадан маълумки, ипак қурти плёнка остида боқилса, озуқанинг намлиги сақланади, барг исрофгарчилигининг олди олинади, пилла етиштириш жараёни тезлашади.

Суратда: Ўзбекистон тумани «Пилла» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Майрам Жўраева.

ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

Меҳри дарё халқмиз

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ҳар ойнинг 5-санаси уйимизда «Саломатлик куни» сифатида белгиланган бўлиб, шифокорлар билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилади. Ҳар ойнинг 12-санаси эса «Меҳрибонлик уйи куни» сифатида нишонланади. Унда шу ерда тарбияланиб вояга етган инсонлар, таниқли ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этилади. Ҳар ойнинг бир кунида шу ойда таваллуд топган тарбияланувчиларнинг туғилган кунлари нишонланади. Болаларимизда мутолаа маданияти яхши ривожланганидан хурсандмиз. 5 мингга яқин китоб фондига эга кутубхонамиз доимо гавжум. Ҳомий ташкилотлар, корхоналардан ташқари кўпгина савобталаб юртдошларимиз «Меҳрибонлик» уйимизга келиб баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиб туришади. Бундай бағрикенг ватандошларимизга чуқур миннатдорлик билдирамиз.

Ҳар йили болаларимиз 2 маротаба чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади. Бемор болаларни соғломлаштиришда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКга қарашли шаҳримиздаги шифохона ходимлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ўлкамизда ёз. Ушбу мавсумда мамлакатимизнинг сўлим, баҳаво гўшаларида жойлашган соғломлаштириш оромгоҳлари болаларимизга бағрини очади. Ҳозирда бир гуруҳ тарбияланувчиларимиз Тахиатош шаҳридаги «Айдин жол» болалар оромгоҳида мириқиб дам олишмоқда.

Шу ерда тарбияланиб, мустақил ҳаётга йўлланма олган болаларимизнинг яшаш шароитларидан ҳам тез-тез хабар олиб турамиз. Уларнинг ўқишда, оилада эришган ютуқларини кўриб меҳнатларимиз зое кетмаганини ич-ичдан ҳис этмоқдамиз.

Жамоамизда 103 нафар ходим ишлайди. Шундан 25 нафари тарбиячилик фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Улар ичида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими аълочилари, давлат мукофотларига сазовор бўлган инсонлар бор.

Светлана СОН, 1-«Меҳрибонлик» уйи директори, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

Меҳр-эътибор билан ардоқланган боладан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Миллий қадриятларимизга хос бу жиҳатлар давлатимиз сиёсатида ҳам устувор аҳамият касб этган. Айниқса, кўнгли ярим болакайларнинг ҳар бир кунини байрамга айлантириб, ҳаётидаги кемтикликни бир фурсат бўлса-да тўлдириш йўлида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. «Ўзбекдавлатцирк»да ўтказилган хайрия тадбири шундай савобли ишларнинг бири бўлди.

Кўнгилларда байрам шукуҳи

Ушбу кошона бир неча кун давомида болажонларни ўз бағрига олиб, уларга байрам қувончини улашди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан тайёрланган махсус томошадан 2400 нафар ўғил-қиз баҳраманд бўлди. Ҳаво гимнастларининг ажойиб чиқишлари, ўргатилган ҳайвонлар иштирокидаги ўйинлар, масхарабозларнинг кулгили томошалари олқишлар билан кутиб олинди.

— Фарзандим туғма ногирон, — дейди ўзини Донохон дея таништирган аёл. — Жисмонан имконияти чекланган бўлгани учун ундаги ҳар бир ўзгаришни кузатаман. Бугунги цирк жамоасининг чиқишларини кўпчилик болажонлар қатори ўғлим ҳам мириқиб томоша қилди. Айниқса, ҳайвонларнинг рақсга тушгани жуда ёқди.

— Болажонларимизнинг кўнгли тоғдек кўтарилди, — дея ўз миннатдорлигини изҳор этди Сергели туман «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти раисининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Ольга Масензова. — Бундай тадбирлар цирк маъмурияти томонидан йил давомида кўплаб ташкил қилинади. Ҳар гал бу гўшага ташриф буюрганимиздан кейин болаларимиз руҳиятида енгиллик кузатилади. Бундай кайфият анчагача давом этади ва албатта, ўзининг ижобий натижасини кўрсатади.

Томошадан сўнг кўзларида қувонч, лабларида табассум билан цирк биносини тарк этаётган кичкинтойларнинг кўнглида байрам тантана қилаётгани шундоққина сезилиб турарди.

Раъно МАҲКАМОВА, «Ishonch» мухбири

Ўқув-семинар

Бухоро политехника касб-ҳунар коллежида янги тузилган бошланғич касаба ташкилотлари фаоллари ва касаба уюшма ходимлари учун ўқув-семинар уюштирилди. «Касаба уюшма хизматини кўрсатишда асосий вазифалар» мавзуида ташкил этилган ушбу семинарда бирлашма бўлим мудирлари ва мутахассислари соҳага оид долзарб масалалар хусусида сўз юритишди.

Ҳар бир масала долзарб

Чунончи, «Касаба уюшмаларининг мақсад ва вазифалари», «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда ижтимоий шерикликнинг роли», «Касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг қонуний асослари», «Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида жамоат назоратини ташкил этиш усуллари», «Касаба уюшма ташкилотларида маданий-маърифий ва спорт ишларини ташкил этиш, туризмни ривожлантириш соҳасида бошланғич ташкилотларнинг вазифалари ҳамда фаолиятининг асосий йўналишлари» каби мавзулардаги маърузалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Қизғин савол-жавоблар машғулотларнинг жонли ўтишини таъминлади.

— Бу каби тадбирлар барча туман ва шаҳарларда ўтказилмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири Ҳамид Бешимов. — Биз бу борада фақат семинарлар ўтказиш билан чекланмаяпмиз. Бирлашма кенгаши масъул ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг масъул ташкилотчилари, шаҳар ва туманлар кенгашлари раислари бошланғич ташкилотларга бориб, улар фаолиятини Устав талаблари даражасида ташкил этилишида амалий ёрдам бермоқда. Бу эса сафларимизни янада кенгайтириш, жойларда касаба уюшмалари мавқеини оширишда жуда қўл келаётир.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Тадбир

Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан бир гуруҳ бошланғич ташкилотлар етакчилари меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарадорликка эришаётган, янгича ёндашув асосида иш олиб бораётган касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида пойтахтга ташриф буюрдилар.

Тажриба албатта асқотади

Дастлаб, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида учрашув бўлиб ўтди. Уни бирлашма кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нуршод Ғиёсов очиб, иштирокчиларга олиб борилаётган ишлар ҳамда бошланғич ташкилотларда амалга оширилаётган кенг қамровли тадбирлар ҳақида атрофлича гапириб берди.

Меҳмонлар «Пахтасаноат илмий маркази» ОАЖ, Тошкент давлат техника университети, Темурийлар тарихи давлат музейи ва «Ўрикзор бозори»да бўлиб, касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан танишдилар. Ўзаро тажриба алмашиб, амалга ошириладиган ишлар ҳақида фикрлашдилар.

Ишчанлик руҳида ўтган учрашувлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Жорий йилнинг июн ва июл ойларида эса Тошкент шаҳридаги бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг раислари Тошкент ва Сирдарё вилоятларида бўлиб, уларнинг иш тажрибаси билан танишадилар.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси

Самарқанд шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Интилганга манзил яқин

Танловнинг қуйи босқичларида ўз мутахассисликлари бўйича ғолиб деб топилган 36 нафар иштирокчи 12 та йўналиш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Танлов боис улар фаолиятига бир қур назар ташлаш имкони туғилди.

— «Камолот» ЁИҲ, Савдосаноат палатаси вилоят бошқармаси, Самарқанд давлат университети, вилоят телерадиокомпанияси, вилоят Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда имзоланган қўшма қарорга мувофиқ танловнинг қуйи босқичларида минглаб ёш мутахассислар, ҳунар соҳиблари иштирок этишди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодиров.

— Касаба уюшмаларининг бу ташаббуси ёшлар учун ўзига хос рағбат бўлди, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд архитектура ва қурилиш институти вакили Азиза Қўлдошева. — Ҳудуддаги барча олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган ёшлар орасида танловнинг «Энг ёш олим» йўналишида ғолибликни қўлга киритдим. Интилишимга берилган юксак баҳо мени янги марраларни эгаллашга ундайди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Омад — ҳаракатда

Сурхондарёда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг вилоят босқичи ўтказилиб, «Энг фаол ёш шифокор», «Энг фаол ёш фермер», «Энг фаол ёш тадбиркор» каби ўнлаб номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Ғолиблар касаба уюшмалари ҳамда ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Саҳродаги саноат

Уст-юрт хазинаси

Бепоён Уст-юрт кенгликларида янги-янги корхоналар қад кўтармоқда. Шулардан бири йилига 100 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга «Қўнғирот сода заводи» унитар корхонасидир.

Заводда ўтган йили 96 минг 42 тонна импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхона маҳсулотларига нафақат ўзимизда, хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда.

Элобод шаҳарчаси таниб бўлмас даражада ўзгарган. Бу ерда ишчи-хизматчиларнинг турмуш кечириши учун ҳамма қулайлик мавжуд. Ўнлаб савдо тармоқлари, ошхона, чойхона, замонавий врачлик пункти, ахборот-ресурс маркази, турли хилдаги сервис хизматидан одамлар мамнун.

Корхона ихтиёридаги 10 гектарли боққа 3 минг туп мевали дарахт ниҳоллари, анвойи гуллар экилиб, парвариш қилинмоқда. Ёрдамчи хўжаликда 200 бош қўй-эчки боқиляпти. Ишчи-хизматчилар, болалар боғчалари тарбияланувчилари сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминланаётир. Аҳоли учун яна бир қулайлик яратилмоқда. 18 квартирали кўп қаватли уйлар, намунали лойиҳалар асосида 30 та замонавий турар жой барпо этиляпти.

Президентимизнинг 2005 йил 13 апрелда қабул қилинган «Қўнғирот савдо заводи учун кадрларни мақсадли таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига асосан корхона қошида Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлими ташкил этилиб, уни ҳар йили 4 та ихтисослик бўйича 65 нафар бакалавр, 15 нафар магистр тугатмоқда.

Калцийлаштирилган содага талаб ортиб бораётганлиги ҳисобга олиниб, ҳукумат қарори асосида заводда маҳсулот ишлаб чиқаришни яна 100 минг тоннага кўпайтириш режалаштирилган. «Ўзбек кимё саноат» билан Хитойнинг «Ситик» корхонаси ўртасида 2013-2015 йилларда калцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришни йилига 100 минг тоннагача кўпайтириб, 200 минг тоннага етказиш юзасидан шартнома имзоланиб, бу соҳада амалий ишлар қилинмоқда.

Таъкидлаш керакки, корхона қошида янги тикувчилик цехи ишга туширилиб, унда 40 нафар хотин-қиз ишламоқда. Бундан ташқари, бултур 10 минг тонна йодланган ош тузи ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилиб, 35 кишининг бандлиги таъминланди. Цехда ҳар йили 3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Бу йил корхона қошида прессланган ғишт ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳа амалга оширилади. Хитой технологиясига асосланган мазкур лойиҳанинг умумий қуввати 529,1 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, йилига 10 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Иззат ҲИКМАТОВ

Касаба уюшма фаоллари

Зафар Худойбердиевнинг Қашқадарё вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармасида касабақўм раиси бўлиб ишлаётганига яқинда ўн йил тўлади. 8510 нафар касаба уюшма аъзосининг ташвиш ва муаммоларини елкасига олиб, уларга қўлдан келганча ёрдам бериб келаётган етакчининг бундай ишончга сазовор бўлиши сири нимада?

Елкасига олиб кўпнинг юкини...

Зафар аканинг энг катта ютуғи ҳар бир ишни виждонан бажаришида. Ёшликдан ўт ўчирувчиларнинг жасоратига ҳавас туфайли шу соҳани танлагани, қолаверса, ҳаётда қийинчилик нима, меҳнат нима, кўриб-билиб ўсгани боисми, одамлар дардини кўзидан ўқий олади. Ҳалол хизматлари эвазига оддий ходимликдан Қарши туманидаги 1-касбий ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиғи даражасига кўтарилди. У ҳар бир ишда намуна бўлишга интилади. Масалан, ўтган йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан спортнинг оммавийлигини ошириш, олимпия спорт турларидан ҳисобланмиш велоспортни ривожлантириш мақсадида ташкил этиладиган «Касаба-тур» веломарафонида фаол иштирок этиб, «Энг ёши улуғ пойгачи» номинациясида ғолиб бўлди.

Ҳовлисида кўчат етиштириб, яхшигина даромад қилаётган Зафар ака буни ишхонасида ҳам жорий қилди. Шу тариқа касаба уюшмаларининг томорқалардан унумли фойдаланиш, юртимизни боғ-роғларга буркаш йўлидаги хайрли ташаббуси, яъни яратувчанлик ишлари ёнғин хавфсизлиги қисмларига ҳам ёйилди.

Ходимлар манфаатини иш берувчи билан ижтимоий шериклик асосида йўлга қўйиш унинг асосий иш принципи ҳисобланади. Жумладан, вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Дилшод Тиллахўжаев, Чироқчи тумани 7-КЁҲҚ бошлиғи Келдиёр Эшназаров, Шаҳрисабз тумани Мироқи қўрғончасидан Холмурод Аминов, Қарши шаҳар 19-КҲЁҚ диспетчери Рўзима Чориева, Миришкор тумани 17-КҲЁҚ раҳбари Олти Аннамуродов ва бошқалар ижтимоий ҳимоя тадбирларида касабақўм етакчиси билан ҳамфикр, якдил...

Жамоа шартномасига кўра, ходимларнинг ишдаги муваффақияти учун байрамларда моддий ва маънавий рағбатлантириш мунтазам амалда. Фахрийлар ҳам доимий эътиборда. Кўп йиллар меҳнат қилган ўт ўчириш соҳаси фидойилари нафақага чиқаётганда ёки юбилей ёшини нишонлаётганда катта иззат-икром кўрсатилади.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси Исмат Очилов етакчи ҳақида шундай деди:

— Зафар Худойбердиев тизимдаги энг тажрибали, жонкуяр касаба уюшма қўмитаси раиси. У нафақат касаба уюшма етакчиси, балки яхши ходим, ўз соҳаси билимдони сифатида ҳам жамоасида обрўси баланд. Чўлларда, нефт конларида ойлаб қолиб кетади. Етакчи сифатида катта обрўга эга. Муҳими, кўп масалаларда раҳбарлар унга қулоқ солишади. Ободонлаштириш дейсизми, спорт тадбирлари бўладими, доим Зафар ака биринчилар қаторида.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Матбуот анжумани

Давлат Божхона қўмитаси «Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан божхона органларида амалга оширилаётган чора-тадбирлар» мавзуида матбуот анжумани ўтказди.

Истеъмолчи манфаати – муқаддас

Унда қўмитанинг Марказий божхона лабораторияси бошлиғи Б.Абдуғаниев юртимизга хориждан келтирилаётган маҳсулотларнинг сифатига жиддий эътибор қаратиш, сифатсиз ва ноқонуний товарлар киришининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича тўхталиб ўтди.

Таъкидландики, Президентимизнинг 2013 йил 29 январдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини янада ошириш ва товарларнинг ноқонуний олиб кирилишига қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига кўра 2013 йил 1 июлдан бошлаб, республикага олиб кириладиган озиқ-овқат товарлари, шахсий гигиена буюмлари ҳамда бошқа истеъмол товарларида уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан қўйилган давлат тилидаги товар маркировкаси бўлиши шарт. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2013 йил 1 июлдан республикага олиб киришда ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилидаги товар маркировкаси қўйилиши шарт ҳисобланган 44 гуруҳдаги озиқ-овқат товарлари, шахсий гигиена буюмлари ва бошқа истеъмол товарлари рўйхати тасдиқланди.

Мажбурий тартибда давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт истеъмол товарларининг айрим турлари маркировка қилинмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилиши тақиқланди. Истеъмол идишига қўйиладиган маркировкада товар тўғрисидаги маълумотлар, яъни унинг асосий истеъмол хусусиятлари, ишлаб чиқарилган санаси, ишлаб чиқарувчининг кафолат мажбуриятлари, фойдаланиш қоидалари, шартлари, яроқлилик муддати, ишлаб чиқарувчининг манзили бўлиши керак.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларини маркировка қилиш ва божхонада расмийлаштириш қоидалари Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 февралдаги «Импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларини маркировка қилиш ва божхонада расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан амалиётга жорий этилди. Унга кўра 43 турдаги (бевосита чакана савдога тушадиган) истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхона томонидан давлат тилида маркировка қилинади.

Қарорда дори-дармонлар маркировкаси хусусида алоҳида тўхталиб ўтилган. Масалан, импорт қилинадиган дори-дармонлар истеъмол упаковкасига (идишига) давлат тилидаги ахборот қистирма варақа шаклида жойлаштирилади. Унинг матни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори-дармонлар ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Эндиликда импортёрлар товар ҳудудимизга олиб кирилгунга қадар импорт қилиш юзасидан ўзи тузадиган контракт шартларида уни давлат тилида маркировка қилиш талабини назарда тутиши керак. Давлат тилидаги маркировка матнининг тўлиқлиги, тўғрилиги учун импортёр ва сертификатлаштириш бўйича аккредитация қилинган органлар жавоб беради. Ушбу қоидаларда назарда тутилмаган давлат тилидаги маркировка акс этиши лозим бўлган маълумотлардан ташқари, қўшимча маълумотлар талаб қилинишига йўл қўймайди.

Жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида республикамизга давлат тилида маркировка қилинган 812 млн. АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги истеъмол товарлари импорт қилинди. Бироқ мазкур тартибларга риоя қилмай, истеъмол товарларини давлат тилида маркаламасдан республикамизга олиб киришга уринаётган сохта тадбиркорлар ҳам учраётир. Мисол учун, шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 243 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, салкам 9,6 тонна спирт, 95,5 минг қутидан зиёд тамаки, 1,5 млн. донадан ортиқ парфюмерия воситалари, 152 минг донадан кўп пиротехника воситалари, 68 минг донадан ошиқ маиший техника буюмлари, 56 мингта болалар ўйинчоғи олиб ўтилишига чек қўйилди.

Анжуман давомида журналистлар нафақат мавзу юзасидан, балки божхона соҳасига оид ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб олдилар.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Огоҳликка даъват

Кейинги йилларда темир йўллар атрофида фуқаролар томонидан поездлар ҳаракатига халақит берувчи ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сезиларли камайди.

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ

Бироқ темир йўл релсларидан болтларни ечиб олиш, улар устига бегона жисмлар қўйиш, алоқа кабелларини кесиш, ўтиб кетаётган поезд вагонларига тош отиш, вагонларга осилиш, темир йўл ён атрофларида чорва моллларини боқиш каби ҳолатлар кузатилмоқда. Бу каби ҳуқуқбузарликлар кўпдан-кўп кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкинлигини, афсуски, баъзи кимсалар ўйлаб ҳам кўрмаяпти.

Чуқурсой тармоқ ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимлари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мавжуд 37 км. темир йўл тармоғининг узлуксиз ишлаши назорат қилиб бориляпти. Темир йўл бекатлари яқинидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи фуқароларга турли кўнгилсизликларнинг олдини олишда темир йўл қоидаларига амал қилиш зарурлиги тушунтирилмоқда, фаоллар иштирокида семинар, учрашувлар уюштириб бориляпти.

А. ИСРОИЛОВ,
Чуқурсой ТИИБ ХООБ катта инспектори, майор.
Н. ҚОСИМОВ,
ВЕУН ва ҲПБ инспектори, майор

Меҳнат муҳофазаси

Хавфсизлик ойлиги

Мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш ва юксалтиришда етакчи ўрин тутувчи энергетика соҳаси тинимсиз меҳнат, изланувчанлик, масъулият ва қатъий интизомни талаб қилади. Кундалик ҳаётимизни электр энергиясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг жадал ривожланаётгани, замонавий техника ва технологиялар асосида ишловчи кўпгина янги саноат корхоналарининг бунёд этилиши унга бўлган талабни янада оширди.

Ўз навбатида электр энергиясидан оқилона фойдаланиш, ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, соҳа ходимлари меҳнатини муҳофаза қилиш, яхши иш шароити яратиб бериш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси тизимидаги «Толлимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасида жорий йилнинг 1 июнидан 1 июлигача «Хавфсизлик техникаси кўрик-ойлиги» эълон қилингани қозон-турбина цехида ҳам ўз натижасини бермоқда. Хусусан, меҳнат шароитини янада яхшилаш ва хавфсизлик техникаси қоидаларини мукаммал эгаллаб, шу соҳада кенг кўламли ишларни амалга ошириш учун ишчи-ходимларимиз яқдиллик билан меҳнат қилмоқда. Бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад энергетика соҳасида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг иш жараёнида хавфсизлигини ошириш, авария ҳолатларининг олдини олиш ва авария содир қилмасликдан иборат. Ушбу мақсадда ташкил этилган ушбу кўрик-ойлик мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларнинг сифат босқичига кўтаришда салмоқли ҳисса қўшади, албатта.

А. МОЙЛИЕВ,
«Толлимаржон ИЭС» УК қозон-турбина цехи бошлиғи

Реклама ва эълонлар

Корхона ва кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

I.НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

т/р	Объектлар номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан сўм	Бошланғич нархи ҚҚС сиз сўм	Бажариш муддати
Лот-22/1	Косонсой туман Косон ҚФЙ «Баҳористон» МФЙда ичимлик сув тармоғи қурилиши.	607 911 799	506 593 166	165 кун.
Лот-22/2	Уйчи туман Ёрқўрғон ҚФЙ «Муборак ва Оқтош» МФЙ ичимлик сув тармоғи қурилиши.	327 489 400	272 907 833	90 кун.
Лот-23/1	Янгиқўрғон туман Наврўзобод ҚФЙ «Хадикент" МФЙда ичимлик сув тармоғи қурилиши.	206 959 307	172 466 089	60 кун.
Лот-23/2	Поп туман Чодак ҚФЙ «Ўрта Хонобод» МФЙ аҳолиси ичимлик сув таъминотини яхшилаш (1-2 навбат).	3 698 755 073	3 082 295 894	240 кун.
Лот-24/1	Наманган туман Ўзбекистон ҚФЙ «Қўлбўйи" МФЙ аҳолиси учун ичимлик сув тармоғи қурилиши.	324 782 400	270 652 000	90 кун.
Лот-24/2	Наманган туман Ўлмас ҚФЙ «Шўрқишлоқ» МФЙ аҳолисини ичимлик сув таъминотини яхшилаш.	292 325 698	243 604 748	60 кун.
Лот-24/3	Поп туман Уйғур ҚФЙ «Учуйли» МФЙ аҳолиси учун ичимлик сув тармоғи қурилиши.	283 470 100	236 225 083	90 кун
Лот-25/1	Чортоқ туман Короскон, Мучум, Ойқирон ҚФЙ аҳолиси ичимлик сув таъминотини яхшилаш ҳамда «Короскон» ва «Ўрикзор» сув иншоотларини мукаммал қайта қуриш.	1 145 680 497	954 733 748	90 кун.
Лот-25/2	Чортоқ туман Ойқирон ҚФЙ «Боғ» МФЙ аҳолиси учун ичимлик сув тармоғи қурилиши.	155 741 800	129 784 833	45 кун.
Лот-25/3	Чортоқ туман Мучум ҚФЙ «Дамариқ» МФЙ ичимлик сув тармоғи қурилиши.	176 810 275	147 341 896	45 кун

Буюртмачи: Наманган шаҳри, А. Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Тел: (8369) 233-53-78, 233-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш: Республика ва маҳаллий бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат: 500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади;Лот-22/1, Лот-23/2, Лот-25/1.

Кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

II. ОАТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» НАМАНГАН МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

т/р	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан сўм	Бошланғич нархи ҚҚСсиз сўм	Бажариш муддати
1	Наманган тумани, «Орзу» массивида минибанк биноси қурилиши.	221 423 534	184 549 612	120 кун.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 70-уйда жойлашган ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Наманган минтақавий филиали. Тел: (8369) 223-04-35, 223-04-33.

Лойиҳани молиялаштириш: ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Наманган минтақавий филиали ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат: *Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказиш* фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Талабгор сифатида қатнашадиган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қўйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг тижорат таклифларининг тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга Наманган шаҳар, Навоий кўча, 22 уй, Тел.факс (8-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи - 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати - оферталарнинг очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш., А.Навоий кўчаси, 22-уй.

Хизматлар лицензияланган.

Билдиришнома

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши капитал қурилиш бошқармаси «Правда Востока» газетасининг 2014 йил 3 май 86-сонида чоп этилган эълондаги Наманган вилояти Норин туманидаги «Норин» соғломлаштириш болалар оромгоҳи қурилиши объектининг танлов савдоси ўтказилмаслигини билдиради.

Реклама ва эълонлар

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Олмалиқ филиалининг 2014 йил 10 июндаги 58-сонли буйруғи ва 2014 йил 10 июндаги 01-10/806 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 28-уй манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 544 FAA бўлган 2005 йилда ишлаб чиқарилган техник соз, «Нексия» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 20 014 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 27 июн куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 25 июн куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 30 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 4, 11 июл кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 2 июлдаги такрорий савдолар учун 4 июл куни соат 18:00, 14 июл савдолар учун 9 июл куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz.

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Қизилтепа туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2014 йил 14 майдаги 14/424-сонли буюртманомасига асосан Қизилтепа тумани, Ўзбекистон кўчаси, 51-уйда сақланаётган, техник таъмирталаб, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85 073 KAA бўлган, «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 4 305 319 сўм.**

Савдо 2014 йил 14 июл куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 11 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 14 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2014 йил 25 июл куни соат 12:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2014 йил 24 июл куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТ «Ипотека банк» Навоий филиали қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт. 20208000704943164001, МФО 00205, СТИР 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Тел: 8 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605.

Хизматлар лицензияланган.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 12-iyun № 72 (3421)

Китоб жавонингизга

Халқ — ўз тарихи билан тирик. Кечмиш, аввало, бугун учун, унинг йўлини белгилаш учун керак. Ўтмишни ўрганишнинг, уни тарғиб-ташвиқ этишнинг эса минг бир йўли бор. Илгари замонларда яшаб ўтган буюк зотлар ҳаёти ва фаолияти асосида бадиий асарлар битиш шу йўллардан бири ҳисобланади.

Маънавий равнақ замони

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, адиб Тўлқин Ҳайитнинг «Баҳоуддин Нақшбанд ёхуд Бироқ водийси қиссаси» асари ҳақида сиз, азиз муштарийларга бир-икки оғиз сўз айтиш истаги туғилган эсада, юқорида ўқиганингиз, «Нақшбандия» журнали бош муҳаррири, филология фанлари номзоди Султонмурод Олим томонидан китобга битилган сўзбошидан иқтибослар келтириш мақбулроқ туюлди.

...Тўлқин Ҳайитнинг мазкур романи шаклангина Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолиятини ёритишга бағишланган бўлиб, моҳиятан муаллиф ана шу пири комил ҳаёти фонида, яъни унинг ҳаёт йўлини асос қилиб олган ҳолда халқимизнинг мўғул истилоси даврида миллий озодлик учун олиб борган курашлари, Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг юзага келиши ва мустаҳкамланиши даврини кўрсатиш, шу тариқа темурийлар муваффақиятида тасаввуф аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини исботлашни ният қилган.

Тасаввуф — аввало, руҳият илми. Инсон фақат жисмдангина иборат эмас. Руҳ эса — кўзга кўринмас куч янглиғ қудратли. Муаллиф: «Оломонда юк бор, юракка тушса, одамни ўлдиради», деб ёзганида ана шу кучни ҳис этгани аёнлашади. Бу роман руҳига мос. Бу — ҳақиқат...

Бадиий асарга ёзилган сўзбоши унинг барча ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб бериш вазифасини ўз бўйнига олмайди, албатта. Бу амалда асар босилиб чиққанидан кейинги жараёнда ҳал бўладиган масала. Ҳозирча эса китобхонни бу асарни ўқиб чиқишга даъват қилиб қоламиз.

ПАУЭРЛИФТИНГ

Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида пауэрлифтинг бўйича жаҳон чемпионати баҳслари ўтказилди.

АЛЕСЯ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!



Дунёнинг етакчи спортчилари қатнашган мусобақада мамлакатимиз спортчилари ҳам муваффақиятли иштирок этиб, битта олтин, тўртта кумуш ва иккита бронза медалига сазовор бўлдилар.

Вазни 72 кг.гача бўлган спортчилар мусобақасида ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Алеся Лишинская битта олтин ва иккита кумуш, терма жамоамиз етакчиларидан яна бири Ҳусниддин Бўриев (-53 кг.) иккитадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, 2013 йили Россияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Ҳусниддин олтин ва кумуш медалга эга чиққанди.

ВЕЛОСПОРТ

Остона ва Қарағанда шаҳарларида велоспортнинг трек ҳамда шоссе йўналишлари бўйича Осиё чемпионати баҳслари якунига етди. Шунингдек, Халқаро велоспорт иттифоқи (UCI) шаъфелигида Осиё велоспорт конфедерацияси (ACC) конгресси ўтказилди.

ИККИ БРОНЗА

Ёшлар ўртасидаги баҳсларда Екатерина Кнебелевага трек йўналишининг жамоавий (очко учун) пойгаларида бронза медали насиб этди. Ёш вакиламиз шоссе йўналишининг якка таъқиб пойгаларида ҳам маррага учинчи бўлиб етиб келди. Қитъа чемпионатида биринчи марта иштирок этган спортчи учун бу ёмон натижа эмас.

ФУТБОЛ

Футбол бўйича Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси Сочи шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада бош совринни қўлга киритди.

СОЧИДАН ҒАЛАБА БИЛАН

Саккизта жамоа иштирокида ўтказилган мазкур халқаро турнирда терма жамоамиз барча учрашувларни ғалаба билан якунлади.

Сочида халқаро мусобақада қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси таркиби:

1. Абдумажид Шукуров
2. Азиз Абдурахмонов
3. Қудрат Худойқулов
4. Қудрат Тўрахўжаев
5. Ҳайдарали Турсунбоев
6. Зоҳидхўжа Тошхўжаев
7. Зафар Носиров
8. Бекзод Ҳакимов
9. Азизжон Азимов
10. Абдумалик Абдуҳамидов

Терма жамоа раҳбари, бош мураббийи — Рустам Қориев.

Мураббий — Мавзур Умархўжаев.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Фаровонлигимиз белгиси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Ўтган йили 100 гектар майдонда ғалла парваришлаб, гектаридан 40 центнердан ҳосил олган эдик, — дейди Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги «Сарвар Азиз Умарзода рамзи» фермер хўжалиги раҳбари Шунқор Умрзоқов. — Бу йил 130 гектарда етиштирилган ғалланинг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтаришни кўзлаётирмиз. Шу мақсадда ғаллани уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чораларини кўрмоқдамиз.

Ғалла ўримида чорва учун муҳим озуқа — сомонни йиғиб олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ғалла ҳосили мўл бўлса, элнинг кўнгли тўқ, эртанги кунга ишончи мустаҳкам бўлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 22 майда қабул қилинган 2014 йилда бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича ташкилий чора-тадбирларга оид ҳамда 9 июнда имзоланган бошоқли дон экинлари ҳосилидан бўшаган ерларни шудгорлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари бу борадаги ишларни тез, сифатли амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қарорларга мувофиқ дон маҳсулотларини йиғиштириш, бўшаган майдонларда сомон ёқилишининг олдини олиш, бу масалада аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш ҳамда шудгорлашни ўз вақтида бажариш билан боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мутахассисларнинг қайд этишича, сомонни ёқиш, аввало, тупроқ унумдорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатади, ернинг ҳосилдорлиги пасайишига сабаб бўлади. Далалардаги олов ҳали ғалласи ўрилмаган майдонларга ҳам ёнғин хавфини солиши мумкин. Қолаверса, бир гектар майдондаги сомон ёқилса, ундан ҳавога ярим килограмм азот, уч килограмм кул, қарийб йигирма килограмм газ ва углерод оксиди тарқалар экан. Бу атмосферанинг зарарланиши ва аҳоли орасида турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамкорлигида далаларни сомондан тозалаш, ғалла поялари ёқиш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қўшма тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

— Бунинг натижасида фермерларнинг ерга ва атроф-муҳитга эътибори ортиб, сомон ёқиш ҳолатлари йилдан-йилга камаймоқда, — дейди Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ер ва сув назорати бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нўъмонжон Шокиров. — Бу атроф-муҳит мусаффолиги, тупроқ унумдорлиги ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Чорва учун тўйимли озуқа бўлган сомонни ёқиш тупроқнинг минерал ва маҳаллий ўғитларга бой қатламига жиддий зарар етказишини кўпчилик англаб етмоқда.

Дон қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарига ёнғин хавфсизлиги ходимлари бириктирилган. Ғалла ўрим-йиғими даврида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишларини бошқариш ва мувофиқлаштириш мақсадида вилоятларда ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасида тезкор штаб ва ишчи гуруҳлари ташкил этилган. Буларнинг барчаси ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, ғалладан бўшаган майдонларни ўз вақтида шудгорлаш ҳам муҳим агротехник тадбирлардан. Шу боис ғалла ўрим-йиғими билан бирга, далаларни сомондан тозалаш, шудгорлаш ишларини изчил олиб бориш чоралари кўрилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Анжуман

Турин политехника университети Тошкент филиалида Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси томонидан Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Британия Кенгаши ҳамкорлигида анъанавий республика инглиз тили ўқитувчилари конференцияси ташкил этилди.

ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

Унда юртимизнинг турли вилоятларида узлуксиз таълимнинг турли босқичларида фаолият олиб бораётган 300 дан ортиқ инглиз тили ўқитувчилари, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш марказлари вакиллари ҳамда хорижлик экспертлар иштирок этишди.

Конференция давомида тилни коммуникатив ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш, инглиз тилини ўқитишда инновацион методикалардан фойдаланиш, он-лайн ресурсларнинг аҳамияти, инглиз тилидаги кўникмаларни баҳолаш, янги методларнинг дарсларга татбиқ этилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон инглиз тил ўқитувчилари уюшмасининг жорий йил давомида амалга оширган ишлари, хусусан, ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари учун уюшма мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган янги дарсликлар тақдимоти бўлиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, республика бўйича 5000 га яқин аъзоси бор. Ассоциация аъзолари ҳафтанинг ҳар жума куни ўз вилоятларидаги уюшма бўлинмаларида давра суҳбатлари, семинарлар ўтказадилар, қолаверса, йил давомида 4 марта ҳудудий анжуманлар ташкил этилади.

Бугунги кунда давлатимиз таълим тизимида инглиз тилини ўқитиш ва ушбу тил ўқитувчилари малакасини ошириш, уларни соҳадаги янгиликлар, жаҳон тажрибаси ва стандартлари билан таништириш долзарб масалалардан саналади.

Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга хизмат қилувчи лойиҳалардан биридир.

Моҳларойим ҚАЮМОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети талабаси

Ўтмишсиз келажак йўқ

Мактабда музей

Марғилон шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабида муассасанинг ташкил топганига 70 йил тўлиши муносабати билан тарих музейи ташкил этилди. Ватанимиз тарихига оид айрим дарслар синфхонада эмас, балки мазкур музейда ўтилади. Ноёб ва қадимий осори-атиқалардан иборат ушбу музей бугунни ўтмиш билан боғловчи кўприк вазифасини ўтамоқда. Экспонатларнинг барчаси шаҳар тарихи билан боғлиқ жойлардан келтирилган.

— Ноёб ва қадимий экспонатлар миллий ҳунармандчиликка оид бўлиб, атлас тўқувчилик, читгарлик, мисгарлик, косибчилик, тикувчилик, каштачилик, дўппидўзлик намуналари шулар жумласидандир, — дейди мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Моҳира Тоштемирова.

Музейдан кўза, хум, тегирмон тошлари, шамчироқ, деҳқончилик, ҳунармандчилик асбоб-ускуналари, аёллар тақинчоқлари, турли йилларда чиқарилган пул ва тангалар каби кўплаб нодир экспонатлар ўрин олган.

Музейдаги ҳар бир экспонат ўз даври тарихидан сўзлайди. Бинобарин, уни кўздан кечирган киши ўзини ўтмишга саёҳат қилгандек тасаввур қилади.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

«МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

КРОССВОРД. Энига: **1.** Футбол анжоми. **5.** Ўйинда ютуқни белгилашда қўлланиладиган ҳисоб бирлиги. **9.** Нигерия терма жамоаси мураббийи. **18.** Тўпнинг майдондан ташқари ҳолати. **19.** Англия терма жамоаси ҳимоячиси. **25.** «Бўйсунмас шерлар» лақабини олган Камерун терма жамоасининг моҳир тўпурари. **30.** Германия терма жамоаси ҳимоячиси. **40.** Франция терма жамоаси ҳимоячиси, «Арсенал» аъзоси. **46.** Япония терма жамоаси ҳужумчиси. **55.** Колумбия терма жамоаси ҳимоячиси, ПСВ (Голландия) аъзоси.

Бўйига: **2.** «Парма» клубида фаолият олиб бораётган Италия терма жамоаси ҳимоячиси. **3.** Футбол ўйини ватани. **7.** Футбол соврини. **8.** Аргентина терма жамоаси юлдузи, тўпурар ҳужумчи, «Барселона» аъзоси. **9.** Белгия терма жамоаси дарвозабони. **10.** Жаҳоннинг тўрт бор чемпионлигига эришган терма жамоа. **16.** Яшил қитъа футбол терма жамоаси. **17.** Бразилиядаги энг улкан футбол стадиони. **19.** «Базел»да фаолият олиб бораётган Швейцария футбол терма жамоаси ҳимоячиси. **20.** Англия футбол терма жамоаси тўпурари, «Манчестер Юнайтед» ҳужумчиси. **26.** Жаҳон чемпионатининг энг биринчи голини киритган франциялик тўпурар. **27.** «Супер бургутлар» лақаби билан майдонга тушувчи, Африка қитъаси давлати. **28.** Чемпионатнинг ҳал қилувчи ўйини. **30.** Гондурас футбол терма жамоаси дарвозабони. **52.** «Тоттенхем»да фаолият олиб бораётган Франция терма жамоаси дарвозабони. **53.** Хорватия футбол терма жамоасининг тўпурар ҳимоячиси. **54.** Австралия футбол терма жамоаси ярим ҳимоячиси.

Диагонал бўйича ўнгга: **4.** Жаҳон чемпионатларида энг кўп тўп киритган бразилиялик футбол юлдузи, «Олтин тўп» совриндори. **6.** Қитъамиз футбол уюшмасининг қисқартма номи. **16.** Кунчиқар мамлакат терма жамоаси ярим ҳимоячиси.

Диагонал бўйича чапга: **4.** АҚШ терма жамоаси дарвозабони. **5.** Кенгурулар мамлакати футбол терма жамоаси. **52.** Германия терма жамоаси мураббийи. **54.** Жорий йилги жаҳон чемпионати тўпига берилган ном.

«Занжир» ҳолида: **11.** Португалия футболи юлдузи, терма жамоаси сардори. **12.** Жаҳон чемпионатининг энг биринчи ғолиби бўлган терма жамоа. **13.** Нигерия футбол терма жамоаси ҳимоячиси. **14.** Аргентина терма жамоаси дарвозабони. **15.** Германия футбол терма жамоаси дарвозабони, «Бавария» аъзоси. **21.** ФИФА бош рефериларидан бири, ватандошимиз. **22.** Мексика футбол терма жамоаси ярим ҳимоячиси. **23.** Бразилия футбол терма жамоасининг «Сержант» лақабини олган мураббийи. **24.** Испания терма жамоасининг моҳир ярим ҳимоячиси, «Барселона» аъзоси. **28.** Ўйинда моҳирона алдаб ўтиш усули. **29.** Футбол ўйини қисми. **31.** Машҳур инглиз тўпурар футболчиси. **32.** Испания терма жамоаси ҳимоячиси, «Реал» (Мадрид) аъзоси. **33.** Франция футболи юлдузи, «Олтин тўп» мукофотининг 2006 йилдаги совриндори. **34.** Япония терма жамоаси дарвозабони. **35.** Футбол биринчилигининг икки бор чемпиони, Жанубий Америка мамлакати. **36.** Кот-д`ивуар терма жамоаси ярим ҳимоячиси, «Тулуза» аъзоси. **37.** Нигерия терма жамоасининг ёш ҳужумчиси. **38.** ФИФА президенти. **39.** Эквадор футбол терма жамоаси ҳужумчиси. **41.** Барча жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, энг кўп ғолибликка эришган терма жамоа. **42.** Эрон футбол терма жамоаси мураббийи. **43.** Босния терма жамоаси ҳимоячиси. **44.** Жаҳон чемпионатининг туркиялик бош ҳаками. **45.** Аргентина терма жамоаси ҳимоячиси, «Спортинг» (Португалия) аъзоси. **47.** Уругвай футбол терма жамоаси тўпурари, «Ливерпул» аъзоси. **48.** Мексика терма жамоаси ҳужумчиси, «Вилярреал» аъзоси. **49.** Чили футбол терма жамоасининг «Барселона»да фаолият олиб бораётган тўпурари. **50.** Греция футбол терма жамоаси ҳужумчиси, «Селтик» аъзоси. **51.** Швейцария футбол терма жамоаси ҳимоячиси, «Валенсия» аъзоси.

ТОПШИРИҚ: Кроссвордни ҳал этгандан сўнг қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) жаволардаги ҳарфлар билан алмаштириш асосида топшириқни ҳал этинг.

28-1, 12-1, 30-1, 27-4, 7-1, 21-4, 5-1. Бунда улардан 2014 йил футбол бўйича жаҳон чемпионати расмий тимсолининг футбол ва экология атамаларининг қўшилмасидан таркиб топган номи... аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: N.Umarova
Bosishga topshirish vaqti -19.40
Topshirildi - 20.00
E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 618 | 20543 nusxada bosildi | 2345